



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI
BO‘KA TUMAN HOKIMI
F A R M O Y I S H I

2021 - yil 17 - oktabr

134-10-137-F/21

Bo‘ka tuman hokimligi

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига асосан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-657-сонли Қонунига ҳамда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 августдаги “Бюджет маълумотларининг очиклигини ва бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3917-сонли ва 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ва Халқ депутатлари Бўка тумани кенгашининг 2021 йил 11 октябрдаги VI/XLIII-VII-сонли “Туманда кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни молиялаштириш тўғрисида”ги қарорларига асосан, бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, аҳоли муаммоларини бартараф қилиш бўйича ташкил қилинган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га маблағ йўналтириш мақсадида,

1. Туман маҳаллий бюджетининг 2021 йил 3-чорак якуни билан шакланган даромадларнинг орттириб бажарилган қисмининг 30 фоиз миқдори “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”ни шакллантириш учун 929 008,0 (тўққиз юз йигирма тўққиз миллион саккиз) минг сўм, маблағ ажратилсин.

2. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ё.Рахматуллаева), ушбу ажратилган маблағларни “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га ўтказилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Хакбердиев) тегишли ҳужжатларни белгиланган тартибда ДМБАТ дастурига киритилишини

таъминласин.

4. Туман Ғазначилик бўлинмаси (А.Чолдибоев) ажратилган маблағларни белгиланган тартибда ўтказилишини таъминласин.

5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.в.б О.Мухамедханов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Н. Аббосов